**Тошкентдан “ЎТЙ” АЖ №** Н/1266-А 27/12 1523
**МТУ, ТехПД Тошкент, Термез,**
**ДС Ғалаба**
**Нусхаси: М, ЖДР, ЖДК, ЖДЭ**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ қуйидагиларни маълум қилади:

2024 йил 1 январдан 31 декабргача (шу жумладан) Афғонистондан экспорт қилинадиган тижорат юкларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ташувларда:

1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ станцияларида кўрсатиладиган хизматлар учун 2012 йил 8 майдаги №553-сонли телеграммага асосан эълон қилинган қуйидаги қўшимча йиғимларни ҳисоблаш тўхтатилсин:

1.1. Афғонистондан “Дўстлик” кўприги орқали юкланган вагонлар ва контейнер ўтишида йиғимлар миқдори:

- 200 АҚШ доллар-вагон ва 40-футли контейнер учун;
- 100 АҚШ доллар-20-футли контейнер учун.

1.2. Афғонистондан ташиладиган юкларни божхона текширувидан ўтказишда юк ортиш ва тушуриш ишлари, ҳамда шу билан боғлиқ қўшимча операциялар йиғими учун бир вагонга – 121 АҚШ долллар;

1.3. Ғалаба станциясида ташишни расмийлаштириш йиғими 180 АҚШ доллар;

1.4. Ташувларда божхона назоратини олиб боришда:

- йирик тоннажли контейнерни айлантириш (разворот) йиғими 36 АҚШ доллари;
- божхона назоратини олиб бориш йиғими контейнер учун 52 АҚШ доллар ва вагон учун 34 АҚШ доллар.

2. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2012 йил 8 майдаги №553-сонли телеграмма шартлари орқали эълон қилинган қуйидаги қўшимча йиғимларни ҳисоблаш сақланиб қолинсин:

2.1. Юкларни Афғонистондан ташишда ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш учун 1 вагон (1 контейнер)га 21 АҚШ доллар;

2.2. Вагонларни ва йирик тоннажли контейнерларни бўш ортга қайтишида ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш учун 10,65 АҚШ доллар.

Ишда қўллаш учун инобатга олинсин.

МТУ, МТУМ Термез ўз доирасидаги алоқадор ДС тариф станцияларини таништирсин.

ННтп – 17 058

Н Нарзуллаев

*Ижро. Шукурова С.С.*
*Тел: 4-99-85*

*Маҳаллий М, ЖДР, ЖДК, ЖДЭга етказилди*

П/91
от 08.01.24